


# МЕХР ОЛАМНИ ҚУТҚАРАДИ



Қумқўрғон ногиронлиги бўлган болалар учун "Муруват" интернат уйида "Мехр оламни қутқаради" шиори остида байрам тадбири ўтказилди.

Унда "Мехрли қўллар" волонтёrlар жамоаси ва Сурхондарё вилоят Қўғирчоқ театр ижодий жамоаси ҳамда Термиз давлат университети Педагогика институтининг Педагогика-психология ва бошланғич таълим факултети талабалари иштирок этиб, ногиронлиги бўлган болаларнинг кўнглига кўтаринки кайфият улашди.

Тадбир давомида Сурхондарё вилояти Қўғирчоқ театр ижодий жамоаси томонидан тури мултфильм қаҳрамонлари орқали саҳна кўриниши номойиш

ЭТИЛДИ.

“Муруват” интернат уйининг болажонлари иштирокида тезкорлик ва зукколикни оширувчи турли хил қизиқарли ўйинлар, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Қатнашчиларни рағбатлантириш мақсадида турли хил совғалар улашишди. Ижро этилган саҳна кўриниши болажонларга ўзгача хурсандчилик ва қувонч бағишлади.